

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АГЗАМОВА ГУЛНАРА СУННАТОВНА

КИМЁВИЙ МОДДАЛАР ТАЪСИРИДА ЖИГАРНИ СУРУНКАЛИ
ШИКАСТЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ВА
ТЕРАПЕВТИК ЖИҲАТЛАРИ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Агзамова Гулнара Суннатовна

Кимёвий моддалар таъсирида жигарни сурункали

шикастланишининг клиник-патогенетик ва

терапевтик жиҳатлари 3

Агзамова Гулнара Суннатовна

Клинико-патогенетические и терапевтические аспекты

хронических поражений печени при

воздействии химических веществ..... 27

Agzamova Gulnara Sunnatovna

Clinico-pathogenetic and therapeutic aspects of

chronic liver damage caused by exposure to chemicals 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АГЗАМОВА ГУЛНАРА СУННАТОВНА

КИМЁВИЙ МОДДАЛАР ТАЪСИРИДА ЖИГАРНИ СУРУНКАЛИ
ШИКАСТЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ВА
ТЕРАПЕВТИК ЖИҲАТЛАРИ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tib149 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Хамраев Аброр Асрорович
тиббиёт фанлари доктори

Захидова Машкура Зияматовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Потеряева Елена Леонидовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор, (Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Х.Шагазатова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор, академик

КИРИШ (Докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини энг асосий кўрсаткичини кимё саноати эгаллайди. Бугунги кунда инсон саломатлиги учун ишлаб чиқариш ва атроф муҳит ифлосланиши роль ўйнайди¹. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичида оптимал ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминловчи восита ва усулларнинг илмий асосланиши ва амалиётга жорий қилиниши касбий ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ касалликлар профилактикаси, касб касалликлари патологияси - профилактик ва даволаш тиббиётининг интеграциялашган соҳаси олдида турган асосий масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда кимёвий моддалар таъсирида жигарни сурункали шикастланишнинг клиник-патогенетик ва терапевтик жиҳатларини баҳолаш профилактик тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, кимёвий токсик моддалар ва уларнинг жигарнинг сурункали токсик заҳарланиши билан ўзаро боғлиқлиги ва патогенетик таъсирини, жигарнинг сурункали шикастланиши ва касаллик кечишининг клиник хусусиятларини, токсик моддалар билан узоқ муддатларда мулоқатда бўлган ва ундан кейинги даврларда жигарнинг функционал ҳолатини баҳолашнинг энг ишончли клиник-ташхислаш тизимини асослашдан иборат. Бугунги кунда кимёвий моддалар таъсирида жигарнинг сурункали токсик заҳарланишида беморларнинг периферик қонидаги цитогенетик ўзгаришларни, кимёвий моддалар таъсирида иммунологик кўрсаткичларни, HLA хужайра антигенлари аниқлаш орқали сурункали токсик гепатитга мойилликни, ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчиларни скрининг тест ёрдамида касбий касалликларнинг профилактикасига қаратилган соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш, кимёвий моддалар таъсирида ривожланадиган нуқсонларни эрта аниқлаш ҳамда олдини олишга қаратилган даволаш тизимини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади².

Мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, ишчилар орасида касбий касалликларнинг асоратларини камайтириш тиббиёт ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда «...саноат корхоналари ишчилари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт бирлашмалари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ишчилар орасида касбий касалликларни ва

¹Malaguarnera G, Cataudella E, Giordano M, Nunnari G, Chisari G, Malaguarnera Toxic hepatitis in occupational exposure to solvents. World J Gastroenterol. 2012 Jun 14;18(22):2756-66. doi: 10.3748/wjg.v18.22.2756

² Измеров Н.Ф. Глобальный план действий по охране здоровья работающих на 2008-2017.// Медицина труда и промышленная экология, №6, 2008. С. 2-9.

кимёвий моддалардан заҳарланишларни олдини олишга...»³ катта эътибор қаратилмоқда. Турли саноат корхоналари ишчилари орасида касб касалликларни ташхислаш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касбий касалликларни олдини олиш, ногиронликни камайтириш ва ишчиларнинг умрини узайишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитар эпидемиологик осойишталигини таъминлаш тўғрисида»ги (2015), «Меҳнат муҳофаза қилиш тўғрисида» ги (2016) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2012 йил 13 апрелдаги «Эркин саноат минтақаларини тартибга солиш тўғрисида»ги, ПФ-4436-сонли фармонлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Кимёвий моддалар таъсирида жигарни сурункали шикастланишнинг клиник-патогенетик ва терапевтик жиҳатларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Columbia University (АҚШ); Universidad de Málaga (Испания), Saratov State Medical University (Россия); Kyushu University, University of Tokyo (Япония); University Magdeburg (Германия); Catholic University of Louvain (Белгия), University Hospital Bonn (Германия), Dalian University, Tongji University, Beijing University of Technology, Nanjing Agricultural University (Хитой), University Jahangirnagar (Бангладеш), Autynoma de San Luis Potosi (Мексика), University of Manitoba (Канада); Erasmus University Rotterdam (Голландия); Dalhousie University (Канада) ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Кимёвий моддалар таъсирида жигарни сурункали шикастланишнинг клиник-патогенетик ва терапевтик жиҳатларини такомиллаштириш ва кимёвий омилларнинг салбий таъсирини олишга қаратилган профилактик

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.en.dlut.edu.cn; www.uma.es; www.sgmu.ru; www.kyushu-u.ac.jp; www.hs-magdeburg.de; www.uclouvain.br; www.columbia.edu; www.grid.ac; www.en.tongji.edu.cn; www.english.njau.edu.cn; www.bjut.edu.cn, www.en.csu.edu.cn, www.umanitoba.ca, www.mundus-multic.org/partner/Rome, www.bharathuniv.ac.in, www.njust.edu.cn, www.u-tokyo.ac.jp, www.eng.skku.edu, www.eur.nl, www.dal.ca, www.tma.uz, www.niisgpz.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: жигарнинг сурункали зарарланиши оқибатида гепатокарциномалар ривожланиши исботланган (Catholic University of Louvain (Белгия); асбест билан мулоқотда бўлган, шунингдек иш ҳақи иқтисодий етишмовчилик оқибатида ишлаб чиқариш корхоналари ишчилари орасида иш самарадорлигининг пасайиши асосланган (Dalhousie University (Канада); атроф-муҳитнинг биологик таъсирдан ҳимояланиш чораларини ишлаб чиқилган (International Agency for Research on Cancer (АҚШ); кимёвий саноат ҳудудларида атроф-муҳит ҳавоси кимёвий таркибининг ўзгариши минтақадаги аҳоли саломатлик ҳолатига таъсири ва онкологик касалликларнинг ривожланишидаги хавф омили эканлиги асосланган (Beijing University of Technology (Хитой); турли бўёқлар билан ишлаётган корхоналар ишчиларига кўрғошин таъсирида қон босими ва буйрак фаолиятига таҳликали таъсири асосланган (Central South University (Хитой); турли наркотик ва токсинлар билан мулоқотда бўлган ишчилар жигарининг сурункали зарарланиши, турли жароҳатланишларга олиб келиши исботланган (Kyushu University (Япония), University Manitoba (Канада); турли даражадаги жигарнинг ўткир ва сурункали зарарланиши оқибатида жигарнинг декомпенция даражасини ривожланиши, жигар ва талокнинг қаттиқлашувига олиб келиши исботланган (University Magdeburg (Германия); жисмоний зўриқиш, ортиқча вазн ва семириш ишлаш қобилиятининг пасайиши ва хавф омилларининг ривожланиши, ногиронликка олиб келиши тиббий кўрик натижалари асосида асосланган (Erasmus University Rotterdam (Голландия); кимёвий моддалар таъсирида жигарни сурункали шикастланишнинг клиник-патогенетик ва терапевтик жиҳатларини баҳолаш (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Дунёда кимёвий моддалар таъсирида жигарни сурункали шикастланишнинг клиник-патогенетик ва терапевтик жиҳатларини баҳолаш ҳамда кимёвий моддалар таъсирини камайтириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли кимёвий моддалар билан боғлиқ саноат корхоналари зарарли омилларининг атроф-муҳит объектлари ва инсонлар саломатлик ҳолатига ижобий ва салбий таъсирини асослаш; кимёвий моддалар билан боғлиқ саноат корхоналарида ишчиларини иш шароитлари ва уларнинг хавфли омилларнинг салбий таъсирида келиб чиқадиган касб касалликларини олдини олишга қаратилган механизмларни яратиш тизимини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу касаллик муаммосини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқот иши мазкур масалаларга тизимли ёндошишни характерлайди. Кўплаб олиб борилган тажриба ишлари турли кимёвий гепатотроп моддаларни жигарга кўрсатадиган таъсир механизмининг ўрганишга бағишланган. Кимё саноати ривожланган мамлакатларда заҳарли моддалар таъсирини ўрганишга бағишланган кўплаб ишлар олиб борилмоқда (Hoffman J., Tribig 2006, Malaguarnera G., Lever H., 2011, Cataudella E,

Giordano M et all., 2012, YuS., Tang S., Mayer G., 2015; Laborde A., Tomasina F., Bianchi F. ва бошқ, 2015., Agius, R.M., 2012, LiY., Wang M. 2015, Балан Г.М., Мымренко Т.В. ва бошқ.2006, Бакиров Б.А., Каримов Д.О., 2008, Измеров Н.Ф., 2016, Звягинцева Т.Д., 2016).

Ўзбекистонда жигарнинг диффуз касалликларини юқори тарқалиш ҳолати ўрганилган (Аляви А.Л. 2011, Даминов Т.А. 2011, 2015, 2017, Каримов Х.Я, 2011, Зокирходжаев Ш.Я. 2015; Каримов М.Ш., 2004, Даминова Л.Т., 2017). Илмий маълумотларида кимёвий моддаларнинг захарли таъсири натижасида жигарнинг сурункали зарарланиши билан оғриган беморлар сонини ортиши қайд қилинган (Махмудова Ш.К. 2015, Хамрокулова М.А. 2016, Вахидов А.Я., 2016) Ишлаб чиқаришдаги гепатотроп моддаларни ишчилар саломатлигига таъсирига бағишланган ишлар нисбатан кам. Маҳаллий ва хорижий илмий ишларни ўрганишда инсон организмига турли кимёвий моддалар таъсирини барча қонуниятлари ҳам ўрганилмаганлиги, захарли кимёвий моддаларнинг организмга таъсир этишида юзага келадиган жараёнларга фаол аралашуш усул ва ёндошувлар етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги қайд қилинди.

Шундай қилиб, шу кунгача олиб борилган илмий ишларда инсон организмига физик омиллар ва турли кимёвий моддаларни таъсир этиш қонуниятларини барчаси ўрганилмаган, пестицидлар таъсири натижасида организмда рўй берадиган барча жараёнларга фаол аралашуш усул ва ёндошувлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Амалий жиҳатдан нафақат даволаш мақсадида, балки профилактик мақсадда ҳам биокимёвий жараёнларни бузилишининг коррекция қилинишини самарали усуллари патогенетик асосланиши маълум эмас. Бизнинг республикамиз учун хос бўлган гепатотроп таъсирли кимёвий моддалар билан ишловчилар организмига таъсирини ҳисобга олиб борилган маҳаллий тадқиқотлар амалий жиҳатдан мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси № 01.070070 «Ички касалликлар диагностикаси ва даволаш самарадорлигини янги йўллари (2013-2018) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади зарарли токсик моддалар билан мулоқотда бўлган ишчиларда жигарнинг токсик зарарланиши кечишини ўзаро боғлиқлиги асосида реабилитацион даволаш самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

касалликнинг алоҳида даврларида жигарнинг сурункали зарарланиши ва касаллик кечишининг клиник хусусиятларини баҳолаш;

кимёвий моддалар таъсирида жигарнинг сурункали токсик заҳарланишида беморларнинг периферик қонидаги цитогенетик ўзгаришларни прогностик аҳамиятини баҳолаш;

кимёвий моддалар таъсирида иммунологик кўрсаткичларнинг ўзгаришини жигар фаолиятига таъсирини баҳолаш;

HLA ҳужайра антигенлари аниқлаш орқали жигарнинг сурункали токсик заҳарланишга мойилликни баҳолаш;

кимёвий моддалар таъсирида жигарни сурункали зарарланиши бўлган беморларда юрак қон томир тизимининг структур-функционал таркибий ҳолатини баҳолаш;

кимёвий токсик моддаларнинг жигарнинг сурункали токсик заҳарланиши билан ўзгара боғлиқлиги ва патогенетик таъсирини баҳолаш;

Ўзбекистонда кимёвий ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчиларни скрининг тест ёрдамида касбий касалликларни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти йирик саноат корхоналарида фаолият кўрсатаётган 800 нафар кимёвий омиллар билан мулоқотда бўлган ишчилар тиббий кўрикдан ўтказилган. Назорат остига 309 нафар касалланган ишчилар, улардан 254 нафари асосий гуруҳга, 55 нафари назорат гуруҳига киритилган. Асосий гуруҳга Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти клиникасида даволанган пестицидлар, органик эритмалар, қўрғошин билан мулоқотда бўлган ва унинг таъсирида жигарнинг сурункали зарарланишига дучор бўлган беморлар киритилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кимёвий моддалар билан заҳарланиш оқибатида ривожланган токсик гепатитларни баҳолашда венотоник ва клиник, биокимёвий, иммунологик, иммуногенетик, цитогенетик кўрсаткичларни аниқлаш учун қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда клиник-функционал, биокимёвий, иммунологик, иммуногенетик, цитогенетик, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

касбий хусусиятга эга жигарнинг сурункали зарарланиши натижасида жигардаги гепатоцитлар алмашинувининг замонавий патогенетик хусусиятлари асосланган;

кимёвий токсик моддалар ва касалликнинг сариқлик белгиларнинг корреляцион боғлиқлиги, жигарнинг сурункали зарарланиш хусусиятларига таъсир қилувчи клиник ҳамда лаборатор кўрсаткичларнинг аҳамияти исботланган;

касбий хусусиятга эга жигарнинг сурункали зарарланиши клиник белгиларга таъсир қилувчи геномларнинг аҳамияти, ташхислаш мезонлари, ривожланиш босқичлари, уларнинг хусусиятлари асосланган;

ишлаб чиқаришдаги кимёвий моддалар таъсирида жигарнинг сурункали зарарланишида периферик қондаги моноклеар қон хужайраларининг цитогенетик ўзгариши исботланган;

ишлаб чиқаришдаги кимёвий моддалар таъсирида жигарнинг сурункали зарарланишида HLA хужайра антигенларининг касаллик даражасига қараб мойиллиги исботланган;

жигарнинг сурункали токсик зарарланишида клиник ва ижтимоий белгиларнинг учраш даражаси, уларнинг ўзаро боғлиқлиги энг ишончли ташхислаш усуллари алоҳида тартибда баҳоланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

меҳнат шароитларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида касбий зарарли омиллар хусусиятлари асосида касалликни ўз вақтида ташхислаш башоратланган;

кимёвий моддалар таъсирида патологик жараёнларни ривожланиши, уларни дифференциал ёндашувчи клиник белгилар асосланган;

профпатолог-шифокорларга касалликнинг этиологияси, касалликнинг кечиши, касбий экспертиза ўтказиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

умумий амалиёт шифокори ва бошқа мутахассислар учун бирламчи бўғинда жигарнинг зарарланиши оқибатида ривожланадиган касбий касалликларни динамик кузатиш тизими ишлаб чиқилган;

касбий иш шароити ва зарарли омиллари билан мулоқотда бўлганда ривожланадиган жигар касалликларини олдини олиш ва касалликни адекват даволаш чора-тадбирлари такомиллаштирилган;

зарарли иш шароитида ишловчилар ҳаёт тарзини яхшилаш ва касбий саломатлигини тиклаш, иш шароитини яхшилаш тавсиялари ишлаб чиқилган;

жигарнинг сурункали зарарланиши аҳолининг меҳнатга лаёқатли ёш даврида учраб, уни эрта ташхислаш, самарали даволаш, меҳнатга лаёқатсизлигини вақтида аниқлаш, ишга келмасликни қисқартириш, ногиронликни олдини олиш механизмлари ишлаб чиқилган;

биринчи маротаба саноат корхоналарида ишловчиларни касбий касалликларини олдини олиш учун скрининг тест тизимидан фойдаланилган;

жигар касалликларини даволашда гепатопротекторлардан фойдаланишнинг самарали тартиби асосланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган илмий тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган функционал, иммуногенетик, иммунологик, клиник ва биокимёвий, инструментал ва статистик усуллари қўлланилиши ёрдамида ишлов берилганлиги, кимёвий моддалар таъсирида жигарни сурункали шикастланишнинг клиник-патогенетик ва терапевтик жиҳатларини такомиллаштириш асосида турли усулларни қўлланилгани,

хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти кимёвий моддаларни жигарга кўрсатадиган таъсири натижасида юзага келадиган сурункали жигар зарарланиши кечишини патогенетик механизмларини асослаш ҳисобланади. Клиник функционал тавсиф комплексида олинган иммуногенетик, иммунологик ва цитогенетик текшириш маълумотлари маълум ишлаб чиқариш зарарли омилларига индивидуал мойил бўлган шахсларни ва касалликка мойил бўлганларни аниқлашга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижалари асосида олинган маълумотлар кимёвий моддалар билан мулоқотда бўлган ишчиларда скрининг тизимини қўллаш билан даврий тиббий кўрикни янада чуқурроқ ўтказиш ва бунда жигарнинг сурункали зарарланиши ривожланишига мойил бўлганларни аниқлаш, шунингдек, жигарида зарарланиши бўлган беморларни аниқлаш жараёнини оптималлаштириш тизими яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: кимёвий моддалар таъсирида жигар сурункали шикастланишининг клиник-патогенетик ва терапевтик жиҳатларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Касб касалликларининг ҳолати ва унинг профилактикаси» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 9 октябрдаги 8н-д/199-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма зарарли саноат корхоналарида ишловчилар саломатлик ҳолатига ва жигар фаолиятига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг салбий таъсири оқибатида ривожланадиган жигарнинг сурункали зарарланишини ташхислаш ва олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш, корхоналарда касбий касалликларни камайтириш имконини берган;

«Касбий генезга боғлиқ равишда жигарнинг сурункали зарарланишнинг эрта ташхислаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 9 октябрдаги 8н-д/199-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма саноат корхоналарида ишловчилар орасида жигарнинг зарарланишини эрта ташхислаш ва олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш имконини берган;

«Касбий генезга боғлиқ равишда жигарнинг сурункали зарарланишини даволашнинг замонавий ёндашуви» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 9 октябрдаги 8н-д/199-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма турли саноат корхоналарида ишловчилар орасида қайд қилинган сурункали жигар зарарланиши ва токсик гепатитни самарали даволашга замонавий ёндашув тизимини яратиш имконини берган;

Кимёвий моддалар таъсирида сурункали жигар шикастланишининг клиник-патогенетик ва терапевтик жиҳатларини такомиллаштириш самардорлигини ошириш ва касбий касалликларнинг олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг клиник амалиётига, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Республика Давлат санитария эпидемиология назорати маркази амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 16 октябрдаги 8н-з/178-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар республика-мизнинг турли зарарли омиллар билан боғлиқ корхоналарида ишловчилар орасида зарарли омиллар таъсирида ривожланадиган сурункали токсик гепатит касаллигини аниқлаш, уни ташхислаш ва даволаш оқибатида ишчилар саломатлигини тиклаш ва меҳнат шароитлари тўғри тақсимланишини ташкиллаштириш, касалликларни эрта аниқлаш ва ногиронликнинг олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 72 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 198 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кимёвий моддалар таъсирида жигарни сурункали шикастланишининг клиник-патогенетик ва терапевтик жиҳатларини такомиллаштиришнинг замонавий муаммолари**» деб номланган биринчи бобида келтирилган охириги йилларда чоп этилган адабиётлар шарҳида жигарни сурункали зарарланишини ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашувлар таҳлил қилинган, мазкур касалликдаги ривожланишида жигарнинг патогенетик ўрни, маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг

кимёвий моддалар таъсирида жигар сурункали зарарланишини ташҳисоти ва даволашга ёндошувни очиб берувчи адабиёт манбалари шарҳи берилган. Жигар сурункали зарарланишига терапевтик ёндошувга бағишланган маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жигарни сурункали зарарланиши клиник-патогенетик ва терапевтик жиҳатларини ўрганиш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида объекти, предмети ва тадқиқот усуллари, шунингдек олиб борилган статистик усуллар баён қилинган.

Тадқиқотда зарарли меҳнат шароитида фаолият кўрсатаётган Тошкент лак бўёқ корхонасининг 800 нафар ишчиларни даврий чуқурлаштирилган тиббий кўрикларини олиб бориш ва жигарнинг зарарланиши скрининг текширишлар ўтказилди.

Текширувга 309 нафар кимёвий моддалар таъсирида жигарнинг сурункали шикастланиши мавжуд беморлар жалб этилган бўлиб, улардан 274 нафари асосий гуруҳни, 55 нафари эса назорат(таққослаш) гуруҳини ташкил этди. Ушбу беморларни таснифлаш мезонлар (Л.А.Каценович, 1989) асосида ташхис қўйилган ҳамда улар санитария, гигиена ва касб касалликлар ИТИнинг касб касалликлари Республика шифохонасида стационар ва амбулатор даволанишда бўлган. Барча бемор-35 ёшдан 65 ёшгача бўлган эркеклар, уларнинг ўртача ёши-45,6±5,4 йил. Касбий стажнинг ўртача давомийлиги (анамнез асосида) - 10,8±2,8 йил.

Барча беморлар касаллик тури (формаси) бўйича 4 гуруҳга ажратилган: I гуруҳ- пестицидлар таъсирида ЖСШ (агроном- энтомологлар, тракторчилар, дезинфекторлар, дератизаторлар) 80 нафар бемор; II гуруҳ- кўрғошин таъсирида ЖСШ (аппаратчилар, аккумуляторчилар, линотипистлар, ҳарф терувчилар, кўрғошин эритувчилар) 74 нафар бемор; III гуруҳ- органик эритувчилар таъсирида ЖСШ (бўёқчилар, аппаратчилар, герметизаторчилар) 68 нафар бемор; IV гуруҳ - аралаш турдаги ЖСШ (вирусли гепатит В ёки С билан касалланганлар) 32 нафар бемор. Назорат гуруҳини 55 нафар амалий соғлом эркеклар ташкил этди (ўртача ёши 45,0±4,7 йил).

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида пестицидлар таъсири натижасидаги жигарнинг сурункали зарарланишининг динамикаси ва яқунларини ўрганишда текширилувчиларнинг ишлаб чиқаришда иш фаолиятини яқунлаш муддатлари турлича-5 йилдан 20 йилгача бўлган. Зарарли омиллар билан таъсир яқунланган муддатига кўра текширилувчилар қуйидаги гуруҳларга ажратилган: 1-гуруҳ пестицидларнинг таъсири бартараф қилинганидан кейин 5 йилгача бўлган даврда кузатилганлар - 40 нафар бемор; 2-гуруҳ - 10 йил ўтганидан сўнг кузатилган беморлар - 42 нафар; 3-гуруҳ - 20 йил бўлган беморлар-38 нафар. Асосий вазифаларни бажариш мақсадида клиник-лаборатор ва инструментал текширув усуллари қўлланилган. Беморлар сўраб-суриштириш, кўрик ва физикал текширувлар ёрдамида тўлиқ клиник текширувдан ўтказилган. Қизилўнгач веналарининг

варикоз кенгайишини аниқлаш ҳамда ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллигини истисно қилиш мақсадида барча беморларга эзофагогастроуденоскопия ўтказилган. Аланинаминотрансфераза (АЛТ), аспартаминотрансфераза (АСТ), ишқорий фосфатаза (ИФ), гаммаглутамилтрансфераза (ГТТП), билирубин ва унинг фракциялари миқдори, тимол синамаси даражаси, умумий оксил, сукцинатдегидогеназа (СДГ), глутаматдегидрогеназа (ГДГ) фаоллигини аниқлаш каби жигарнинг функционал ҳолатини кўрсатиб берувчи биокимёвий текширувлар бажарилган. Барча беморлар жигар ва талоқ УТТ, 25 нафар беморга жигарнинг компьютер томографияси ўтказилган.

Ташхис касбий анамнез, меҳнат шароитларининг санитар-гигиеник таъсирномаси, махсус (специфик) клиник-лаборатор текширувлар, шунингдек, замонавий инструментал текшириш усуллари ва ПЗР реакцияси орқали вирусли гепатитларнинг маркерларини аниқлаш йўли билан қўйилган.

Даволаш турига кўра беморлар қуйидаги 2 гуруҳга ажратилган: I гуруҳ- одатий терапия олувчи беморлар (34 нафар); II гуруҳ- УДХК гепатопротектори билан комплекс равишда одатий терапия олувчи беморлар. Инструментал ташхисот «АЛОКА-SSD 630» ускунаси ёрдамида жигар ва билиар трактни ультратовуш текширувдан ўтказишни ўз ичига олган. Жигар тўқималарида фиброз аломатларини аниқлаш мақсадида зичликни ўлчаш билан компьютер томографияси ўтказилган. Эхокардиография 108 нафар беморга умумий усуллар билан ўтказилган. Барча беморларда умумий усуллар бўйича гемограмма, жигарнинг зардоб маркерлари кўрсаткичлари, аланин- (АЛТ) и аспартат- (АСТ) аминотрансферазалар, ишқорий фосфатаза (ИФ), γ -глутамилтранс-пептидаза фаоллиги, умумий билирубин ва унинг фракциялари, умумий оксил ва унинг фракциялари миқдори, холестерин (ХС), глюкоза, лактатдегидрогеназа, сорбитолдегидрогеназа, церуллоплазмин ва мис кўрсаткичлари аниқланган. Бунинг учун барча беморларда лейкоцитлар сони, лимфоцитларнинг фоиз ва абсолют миқдори, шунингдек, нейтрофиллар ва лимфоцитлар (НФ/Л) нисбати аниқланди.

Лейкоцитлар миграцияси тўхташ реакциясини модификацияланган варианти ёрдамида қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди: периферик қонга лейкоцитларнинг спонтан миграцияси (ПҚЛСМ); иммунитетнинг Т-тизим функционал ҳолати; қонга лейкоцитларни кучайтирувчи ёки сустлаштириувчи миграция омиллари (ЛМКО ва ЛМСО), бу КонА-индицирланган лимфокинларни ажралиб чиқиши билан баҳоланади, яъни митогенни икки дозасини қўллаш ёрдамида аниқланади (2,5 мкг/мл-КонА-1 ва 10 мкг/мл –КонА-2); қондаги лейкоцитлар миграциясига таъсир этувчи фаол зардоб омиллари (миграцияни сусайтирувчи зардоб омиллари-МСЗО; миграцияни тезлаштирувчи зардоб омиллари-МТЗО).

А.Алексеев усулида (1963) *in vitro*–жигар тўқималарнинг аутоантигенларга нисбатан сенсibiliзацияси (ЖТАС) ўрганилган. Бунда биз миграция индексини (МИ) ва миграция индексини йўқолиши (МИЙ)

аниқладик. Назорат ўрнидаги меърий кўрсаткич сифатида ЎзрФАга қаршли иммунология институти материалларидан фойдаландик.

Беморларнинг периферик қони моноклеарларида цитогенетик таҳлил: Метафазли пластинкали препаратларни олиш мақсадида барча текширилувчилардан 2 мл ҳажмда веноз қон олиниб, сўнгра таркибида фитогемаглютинин (ФГА) ва йирик шохли мол зардобини сақловчи 199 озуқа муҳитига (6 мл) экилган. Културани ўстириш 72 соат ичида 37°Сда термостатда олиб борилган. Экмаларнинг ўсиши ниҳоясига етишига 2 соат қолганида хужайралар аралашмаси мавжуд идишларга митозни тўхтатиш мақсадида колхицин қўшилган. Хужайралар гипотонизацияси ва фиксациясидан сўнг метафазли пластинкали препаратлар тайёрланган ҳамда Гимза- Романовский усули ёрдамида бўёқланган. Хромосомалар таҳлили «Leica» микроскопи ёрдамида ўтказилган.

Ўрганилаётган препаратларнинг цитостатик самарасига баҳо бериш учун ФГА (И-ФГА) рағбатлантириш (стимуляция) индекси $I\text{-}ФГА = M : 100$ формуласидан фойдаланилган, бунда М-митоз йўли билан бўлинаётган хужайралар сони, 100-хужайраларнинг умумий миқдори.

Текширувнинг иммуногенетик усули: барчада қон олиш бир мартаба ўтказилган. ННЛА- антигенлар идентификацияси микролимфоцитотоксик тест ёрдамида амалга оширилган, бунда Санкт-Петербург гематология ва қон қуйиш ИТИ қошидаги иммунологик типлаш (турлаш) Республика марказидан олинган антизардоб қўлланилган. Қон эрталаб 5,0 мл ҳажмда тирсак венасидан олинган. Гистологик тўғри келиш антигенлари аниқланганда «батарея усули»дан фойдаланилган, яъни, ҳар бир антиген камида 2-8 зардоблар билан аниқланган.

Тадқиқот ишларига ВИЧ/ОИТС, онкологик касалликлари, қандли диабет, алкоголизм, гижжалар билан зарарланганлар ва ОИТ билан касалланган жалб қилинмаган.

Клиник тадқиқотлар ва лаборатор текширишлар натижаларнинг статистик текширишда персонал компьютерларда MSExcel электрон жадваллари ва Statistica for Windowsv.6,0 дастурлари асосида амалга оширилди. Умумқабул қилинган вариацион статистика методлари қўлланилиб, Стъудент мезони бўйича тафовутларнинг ишончилигига баҳо берилди.

Диссертациянинг **«Кимёвий моддалар таъсирида жигар сурункали зарарланишининг клиник кечиши хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида зарарли омилларга боғлиқ, касбий генезли жигарнинг сурункали зарарланиши клиникасини ўрганиш натижалари муқкамал баён қилинган:

Ишлаб чиқаришнинг зарарли омиллари таъсири натижасида беморларда қуйидаги шикоятлар кузатилган: диспептик ўзгаришлар (86%), ўнг қовурға остидаги (75,6%), эпигастрал соҳада (37,2%), астено-невротик характердаги (80%), юрак соҳасидаги (16,5%) оғриқлар.

Текширилган шахсларда ЖСЗ симптоматикаси I гуруҳидаги беморлар чуқур таҳлили пестицидлар ва уларнинг бирикмаларини турли асаб, овқат

ҳазм қилиш аъзолари, юрак қон-томир тизим и аъзоларига таъсири политроплигини тасдиқлади. Тўртта гуруҳдаги беморларда углевод-энергетик, липид, оксил ва пигмент алмашинувининг баъзи биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгариши кузатилди. Аммо, асосий биокимёвий кўрсаткичлар, I гуруҳда 2 баробар ўзгариши, IV гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 3,5 баробар манфий динамикада ўзгариши кузатилди. Олинган натижаларнинг гуруҳлар бўйича қиёсий таҳлили I ва IV гуруҳ беморларида цитолитик ва холестатик синдромлар яққол намоён бўлди. Шундай қилиб, ушбу гуруҳларда беморларни комплекс текширув натижасида уларнинг клиник кўринишида қатор ўзига хосликни: касалликнинг аста-секин ривожланиши, диспептик шикоятлар билан бошланиши, билиар тракт дискенезияси ҳисобига билиар синдром кўшилиши, жигар ўлчамининг мўътадил катталаниши ва функционал ҳолатининг бузилишини аниқлаш имконини берди.

Қўрғошин ва бензол билан заҳарланишда жигар ўзгариши интоксикациянинг асосий белгилари билан бирга кечади ҳамда умумий клиник намоён бўлишида кейинги режада кўрилади. Токсик ишлаб чиқариш агентлари, пестицидлар сурункали таъсирида жигар фаолияти бузилиши одатда клиник симптоматикада етакчи, асосий ҳисобланади. Вирус инфекцияси қўшилганда клиник белгиларни оғирлаштиради.

Тадқиқот натижасида сурункали жигар зарарланиши билан хасталанган беморларни динамик кузатуви таҳлили касалликнинг қуйидаги кечиш ва оқибат вариантларини ажратиш имконини берди; 98 (82%) нафарида жараён барқарорлашди; ЖСЗ 15(13%) нафар беморда жигардаги патологик жараённинг жадаллашуви, хусусан, узок муддат зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсирида бўлганлар ҳамда 2(1,5%) нафар бемор гепатитнинг циррозга трансформацияси аниқланган.

Диссертациянинг «**Кимёвий моддалар таъсирида жигарни сурункали зарарланишини иммунологик, цитогенетик, иммуногенетик зарарланиш механизмлари**» деб номланган тўртинчи бобда беморларнинг касбий стажи давомийлигини касаллик шаклига боғлиқлигининг таҳлили, касаллик иммунологик профилини ўрганиш маълумотлари, генлар полиморфизми, хромасома абберацияси маълумотлари таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси иммунология институти ходимлари олиб борган тадқиқот натижаларига кўра пестицидлар билан боғлиқ бўлган касб эгалари ёки бевосита шу модда билан мулоқатда бўлувчи шахсларда пестицидлар таъсири натижасида иккиламчи иммун етишмовчилик ҳолати қайд этилади. Фосфорорганик гуруҳига кирувчи пестицидлар билан қисқа вақт мулоқатда бўлиш Т-хелперлар, Т-супрессорлар миқдорини камайишига, шунингдек, лимфоцитларнинг функционал фаоллигини кескин пасайиши билан кечувчи ўткир иммун етишмовчилик ривожланишига олиб келади.

Фаолияти давомида хлор ва фосфорорганик моддалар билан мулоқатда бўлувчи шахсларда эса иммунитетнинг пасайиши, шунингдек, кўп даражада

T-лимфоцитларни ва кам даражада B-лимфоцитларни функционал фаоллиги ва миқдорини камайиши билан намоён бўлади. Шу билан бир қаторда ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган бошқа кимёвий моддалар билан захарланишни иммун тизимга кўрсатадиган таъсири ҳали охиригача тўлиқ ўрганилмаган. Шунинг учун бизлар олиб борган тадқиқот ишларимизнинг асосий мақсади беморларни органик эритмалар, пестицидлар ва кўрғошин билан захарлангандан сўнг иммунитетнинг T-тизим функционал ҳолатига кўрсатадиган таъсирини ўрганиш ҳисобланади.

I гуруҳ беморларида пестицидлар таъсирида T-хужайра иммунитетига таъсир қилувчи лейкоцитларга таъсир қилувчи КонА-индуцирланган лимфокинлар ишлаб чиқарилиши ФУМЛ синтези билан боғлиқ бўлган, ФСМЛ синтези эса меъёрий қийматларга эга бўлган. ФУМ/ФСМ ФУМ/ФСМ нисбати 0,47 гача камайган. Бу эса ФУМЛ синтезловчи хужайралар, яъни T-хелперлар функционал фаоллигини кўрсатади. Бу иммунопролифератив жараёнлар учун хос *In vitro* шароитда АПТ га сенсibiliзация 81,8% ҳолларда аниқланган.

II гуруҳда кўрғошин таъсири остидаги беморларда фарқли равишда биринчи гуруҳда пестицидлар таъсирида сенсibiliзация учраш тезлиги ва унинг намоён бўлиш даражаси озроқ кам бўлган. Бу гуруҳда бирикмалари таъсири остидаги беморларда T-хужайра иммунитетини хелперлар звеноси кескинроқ намоён бўлган. ФУМ/ФСМ нинг 0,61 га камайиши бундан далолат беради. АгП га сенсibiliзациянинг юқори учраш тезлиги ҳамда намоён бўлиш даражаси организмда яллиғланиш жараёни кечиши ва жигар фаолияти бузилишидан далолат ФУМ/ФСМ Бу беморларни клиник кузатуви вақтида исботланган. III гуруҳда СМЛПК ўртача кўрсаткичи $48,3 \pm 3,41$ га ва назорат гуруҳида $55,3 \pm 1,35$ га тенг бўлган. 66% беморларда зардоб цитокинларининг фаоллиги ошиши билан иммунологик мувозанат бузилган. Цитокинлар фаоллигининг ўртача кўрсаткичи назорат гуруҳидан фарқ қилмаган, 33,4%да меъёрий чегарадан чиқмаган. СФУМ фаоллиги 22,2%да, СФСМ фаоллиги эса 44,4% ҳолларда аниқланган.

КонА-индуцирланган ФУМЛ хелпер лимфокинлари (МИ $0,71 \pm 0,02$ га тенглигида 29%, МИ $0,56 \pm 0,04$ га тенглигида назоратга нисбатан 44%ни ташкил қилди) ва супрессор ФСМЛ (МИ $1,12 \pm 0,03$ га тенглигида 12% ни ташкил қилди)нинг ишончли камайиши аниқланди.

ФЗМ/ФСМ нисбати 2,42 га тенглиги ФСМЛ ишлаб чиқарувчи супрессорлар функционал фаоллигининг яна ҳам секинлашишидан далолат берди, бу эса аутоиммун жараёнлар ривожланишига хос.

In vitro шароитда органик эритувчилар билан боғлиқ беморлар сенсibiliзациясини текшириш кўрсатишича, уларнинг 100% ида 88,8% ида АПТ га нисбатан сенсibiliзация аниқланган. Лейкоцитларнинг МИ даражаси бундан далолат беради (МИ мос равишда $0,60 \pm 0,03$), назорат гуруҳида эса $1,12 \pm 0,03$ га тенг. Кимёвий моддалар ва уларнинг метаболитлари гепатоцитларга бевосита ва билвосита захарли таъсир кўрсатади, шунингдек, T-лимфоцитларнинг цитотоксик фаоллаштирилишини чақиради.

HLA типлашни ўрганиш жигар сурункали зарарланишида A локусда A2 антигенлари (36,5%, G=0,203) ва A25 (33,8%, G=0,186) аниқланади. B локусда энг тарқалган HLA-антигенлари B22 (18,9%, G=0,099), B8 (24,3%, G=0,199), B16 (17,6%, G=0,02). Иммуногенетикада статистик аҳамиятини аниқлашда ўзига хослиги тез учрайдиган антигенлар доим ҳам гаплотипограмма структурасида ишончли аҳамиятга эга эмас. Бирок гаплотипларнинг учраш тезлигини қиёсий таҳлил қилганда беморлар ва назорат гуруҳида маркер антигенларни тутувчи гаплотиплар назоратга нисбатан ишончли кўп учраши қонунияти аниқланди. Хусусан, беморлар текширилган гуруҳида A2/B8, A2/B15, A25/B22 HLA-гаплотиплари гепатотроп таъсирли кимёвий моддалар билан ишлаганда дастлабки тиббий кўриқлар вақтида касбий танлаш учун фойдаланиши мумкин. Сурункали жигар зарарланиши беморларда иммуногенетик текширувлар HLA фенотип генетик маркерларини аниқлаш имконини берди, бу эса касалликни башорати ва шахсий профилактикаси учун асос бўлади.

1-жадвал

Заҳарли гепатит беморлари лимфоцитларида хромосомаларнинг абберация сони

Беморлар гуруҳи	Текширилганлар сони		
	Метафазлар	Абберант метафаза	абберациялар, %
1 гуруҳ ХПП + кўрғошин, n=35	700	35	9,4±1,2*** (66)
2 гуруҳ ПП+ пестицид, n=35	1500	60	4,4±0,5***^^ (66)
3 гуруҳ: соғлом, n=50	1000	12	1,6±0,4 (16)

Изоҳ: * - фарқлар соғлом гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (***) - P<0,001),
^ - фарқлар 2 гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^^) - P<0,001)


Ушбу беморлар қон намуналарини цитогенетик таҳлилида (1-жадвал) хромосомалар абберация сони соғлом кишиларга нисбатан 5,9 марта ортиши аниқланди. Абберациянинг барча типлари ўртасида энг кўп хромосомалар делецияси аниқланди, номахсус моносомия ва тросомияси ташкил этди, шунингдек хромосоманинг бўялмайдиган соҳаси ҳисобланган ДМХ ва геплар ҳам ташкил этди. Улар ҳар икки хроматидда узилган ёки бўлинган кўринишда мавжуд бўлиб, агар геплар хромосоманинг битта нуқтасида икки марта учраса, хромосома синган деб ҳисобланади. Бизлар томонимиздан аниқланган абберацияларда энг кўп қуйидаги хромосома гуруҳлар делецияси учради А (1-3 жуфтликда), С (6-12 жуфтликда), D (13-15 жуфтликда), E (16-18-жуфтликда) ва турли катталиқдаги парчалар, дицентрик хромосомалар, қўшилиб кетган кўринишдаги фрагментлар. Барча беморларни клиник текширилганда кариотипнинг фон тавсиф қайд қилинди. Уларда геномнинг турғунсизлиги ва периферик қон мононуклеарларида хромосомалар абберациясининг юқори сони мавжудлиги аниқланди. (2-жадвал).

Лимфоцитларда хромосомалар аберрациясининг тури ва сони


Текширилган гуруҳи	Аберрациялар тури, %				Геплар, %
	делециялар	гипер-, диплоидия ва полиплоидия	транслокация	иккиламчи кичик хромосомалар	
1 гуруҳ, қўрғошин, n=35	3,14±0,65**	2,14±0,54*	0,57±0,28*	1,0±0,37**	2,57±0,59***
2 гуруҳ, пестицидлар n=35	1,05±0,24	0,88±0,22	0,17±0,10	0,7±0,20**	1,52±0,29***
3 гуруҳ, n=50, соғлом	1,0±0,22	0,1±0,07	0	0	0

Изоҳ: * - фарқлар соғлом гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - P<0.05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)


Цитогенетик ўзгаришлар полиплоид, гиперанеуплоид хужайралар ва нодифференциялашган транслокацияли якка хужайралар кўринишида намоён бўлди, шунингдек, кўш кичик хромосомалар ва делециялар ҳам аниқланди. (1,2,3,4 расмлар).




1-Расм. Меърий кариотип хужайраси



2-Расм. Гипернеуплоидная клетка метафаза



3-Расм. Хроматин конденсация (қўрғошин таъсирида)



4-Расм. Полиплоидия хромосомлар катталашини, гаплоид жамламанинг 23 хромосомсига тенг (пестицид таъсирида хромосомлар сонини бузилишида)

Цитогенетик тадқиқотларда шу нарса аниқландики, ҳар бир беморда хромосома даражасида муҳим комбинацион бузилишлар мавжуд (3-жадвал).

3-жадвал


Алоҳида хромосомаларда абберация сони

хромосомалар/ гурух	таркибий бузилиши, %	Анеуплоидия, йўқолиш, %
4	34,8	26,7
17	21,7	13,3
5	21,7	13,3
13	21,7	6,7
16	4,4	—
3	—	13,3
6÷12	—	13,3
19/20	—	20,0
22/21	—	13,3
1	—	6,7

Умумий ва хромосома бузилишлар билан бир қаторда хромосомалар абберацияси комбинациясининг индивидуаллиги, касалликнинг ҳар хил турларида ва ва ҳар бир беморда турлича бўлиши бошқа илмий иш олиб борган олимлар томонидан ҳам тасдиқланган.

Периферик қондаги лимфоцитлар хромосомасининг бузилишини таҳлил қилиш ҳар бир индивидда жигарнинг сурункали зарарланиши ривожланиш ҳавфини аниқлаш учун клиникагача ривожланиш босқичида имконият беради. Агарда маълум бўлган махсус цитогенетик маркер аниқланса, ривожланиб бўлган ёки энди ривожланаётган жараённи эрта аниқлаш амалга оширилади. Махсус ва номахсус хромосома бузилишлари биргаликда таъсир этиши билан ушбу усул касалликни якуни ва кечишини башорат қилиш имконини беради. Соматик ҳужайраларда махсус ва номахсус хромосомалар ва геном бузилишларнинг биргаликда ўрганиш шуни кўрсатдики ушбу ҳолат организмда патологик жараёнлар мавжудлигини юқори даражада аниқлаш имконини беради ва буни касалликнинг жуда эрта вақтларидаёқ аниқлаш мумкин, бундан ташқари касалликни интенсивлигини, босқичини характерини ва жойлашган ўрнини аниқлаш имкони ҳам мавжуд бўлади. Бу каби тадқиқотларни ўтказиш бирламчи цитогенетик бузилишларни модефикациялаш ва уларни кейинчалик юзага чиқадиган клиник белгиларни ривожланиши билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш имконини беради. Жигарнинг сурункали зарарланишини ривожланиш ҳавфини белгиловчи маълум бўлган, аниқланган ва янги ишлаб чиқилган цитогенетик мезонлар таҳлилин тизимлаштириш ҳамда ушбу мезонлар асосида ташхис, башорат ва профилактик принципларни ишлаб чиқиш шубҳасиз муҳим аҳамиятини сақлаб қолади.

Диссертациянинг «Кимёвий моддалар таъсирида жигарни сурункали зарарланиши бўлган беморларда узок йиллик меҳнат стажи шароитида юрак қон томир тизимини структур-функционал ҳолати» деб номланган бешинчи бобида юрак қон томир структур-функционал ҳолатини баҳолаш ўзгаришларининг натижалари, АБ, ЮҚЧ ва ЭхоКГ текширувлари киритилган. Шу нарса аниқландики, САБ ва ДАБнинг ўртача катталиклари тадқиқот гуруҳида меъёр даражасида бўлсада, кўрғошин гуруҳида АБ кўрсаткичи меъёрдан юқори натижани кўрсатди, бу ҳолат назорат гуруҳи (НГ қайд қилинди) (САБ учун $P < 0,05$ ва ДАБ ҳамда ГАБ учун эса $P < 0,001$). Пестицидлар ва органик эритувчилар гуруҳларида АБ НГга хос бўлган кўрсаткичлар билан таққосланди. Тадқиқотда иштирок этган барча гуруҳларда ЮҚС, назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлади ($P < 0,05$ – кўрғошин ва пестицидлар гуруҳи учун ва органик эритмалар гуруҳи учун $P < 0,01$) (5расм).



5-расм. Заҳарли агент турига боғлиқ ҳолда касбий ЖСЗ кузатиладиган шахсларда АБ кўрсаткичи

Доплерография Те1 индексини ҳисоблаш жараёнида қоринчалар миокардини функционал қобилиятини баҳолашга имкон беради. Бу клапанлар ёпилиш даври давомийликни йиғиндисини (ИРФ ва ИЗД) ҳайдаш даври давомийлигига нисбати билан характерланувчи кўрсаткичлардир. Бизнинг тадқиқотларимизда ЧҚда ҳам ЎҚда ҳам миокарднинг сусайиши ва кучайиш функционал қобилиятини ишончли камайиши қайд этилди, бу эса Те1 индексини ортиши билан намоён бўлиб, бундай ҳолат кимёвий агентлар билан касбий мулоқатда бўлган барча шахсларда кузатилди. Пестицидлар билан мулоқатда бўлувчи шахсларда ЧБ ҳажмини ортиши ва зардоб аланинаминотрансфераза фаоллигини ортиши ўртасида ишончли боғлиқлик борлиги аниқланди (ЧБли –ўртача ижобий боғланиш- $P < 0,05$) ва периферик

веноз қондаги умумий билирубин концентрацияси ва кардиомиоцитлар контрактил фаолиятининг бузилиши орасидаги –қоринча ичи ҳайда босими самараси вақтини ортиши (ИЗД ўртача ижобий боғланиш $P < 0,05$).

